

Абдужаббор ОБИДОВ

# ҚАМИШЗОРДАН МҶУРАЛАГАН ЁР



**Абдужаббор ОБИДОВ**

**ҚАМИШЗОРДАН  
МЎРАЛАГАН ЁР**

**Тошкент – 2015**

**УЎК: 821. 512. 133–3**

**КБК: 84 (5Ў)70–14**

Обидов Абдужаббор. Қамишзордан мўралаган ёр: қиссалар / А.Обидов. – Тошкент, Adabiyot uchqunlari. 2014, 256 бет.

**КБК: 84 (5Ў)7.**

Ёзувчи Абдужаббор Обидов ўзининг «Бахтини йўқотган гўзал», «Безабонлар муҳаббати», «Экканингни ўрасан», номли роман ва қиссалари билан ўқувчига таниш.

Навбатдаги асар «Қамишзордан мўралаган ёр» қиссаси ҳам саргузашт воқеаларга бой. Оддий бир кишлок қизининг йўллари, бахт-саодатга интилишдаги ҳаёти, шаҳардан келган рассом йигитга муҳаббати баён қилинган. Тоғнинг хушбўй манзаралари чиройли бўёқларда тасвирланган, тарбияли, қатъиятли одамлари ўртасидаги туғиладиган муносабатлар эса синов, садоқат ва ориятга қурилиши ишончли кўрсатилган.

Иккинчи қиссада тасвирланган воқеалар юртимиз ҳаётида содир бўлиб турган қизиқарли ҳолатларга асосланган. Ўқувчини тезда воқеалар гирдобига тортиб кетади. Нуриддин ва Қалдирғочлар ёш, уларнинг ҳақиқий муҳаббати бир кампирнинг орзусини амалга ошириш йўлидаги қилган найранги билан туғилади. Сўнгра улар кўп йиллар айрилиқда соғинч изтиробларида яшаб, ҳар бирининг ҳаёти турлича, ўз йўналишида кечади.

**Такризчи:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

шоир ва драматург

**Ҳайдар МУҲАММАД**

**ISBN 978-9943-4392-9-0**

© Обидов Абдужаббор

© «Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2015

## Қамишзордан мўралаган ёр

Мирҳосил билан Элдор Беньков номли рассомчилик билим юртидан кейин Санъат институтида ҳам бирга ўқишди.

Фарғоналик. Водийдан юқорироқдаги тоғга яқин Бойтепа қишлоғидан. Ўқиши биттач киндик қони тўкилган жойларига қайтди. Қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилиб, чизмачилик ва расм чизишдан дарс беради. Бир ёқда оқсокол йиғинининг ҳар хил топшириқларини бажаради: плакатлар, шиорлар, эълонлар ёзишми унинг бўйнида. Аммо асосий машғулоти фермер—отасининг ёнига кирган. Йилқи, кўй-эчкилари бор. Ҳовлида иккита говмиш, паррандалар ўз йўлига.

Йилқилар сони ўттиздан ошади, кўй-эчкилар улардан уч-тўрт баробар кўп.

Бойтепада беш юзга яқин хўжалик, олти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уч тўртта ўйланган ўғиллари билан ўн-ўн беш кишилик катта оила ҳам қишлоқда битта хўжалик саналади.

Мирҳосиллар оиласи ибратли ва хурматли уруғлардан. Ўшангами оталари Фаттоҳ фермерни танимаган одам йўқ, ўғлига қизини туман ҳокимиятидан масъул шахс берган, никоҳ ҳам ўша ердаги катта ресторанда ўтди.

Тўй бўлганига икки йил ўтибгина, хотини Малика ҳомиладор бўлди. Яқинда фарзандлик бўлишади.

Фаттоҳ аканинг катта ўғли тўқимачилик маҳсулотлари билан савдо қилади, четга экспортга мол чиқаради. Унинг кўп вақти шаҳарда ўтади, шу сабабданми у ердан ҳовли сотиб олиб, кўчиб кетган. Отаси ундан рози: «Роҳатини кўрай. Кенг феъл, кетмас давлат берсин», деб дуо қилгани қилган.

Бу ўғлидан кейинги иккита қизи ҳам қишлоқдан ташқарига чикмай, шу ернинг ўзида уйли-жойли бўлишган. Кенжаси бўлмиш Мирҳосилни ўшанга отаси, расмни қишлоқда ҳам чизса бўлади деб, ёнига чақириб олди.

Фаттоҳ ака ҳовлилари қишлоқнинг баланд еридага кўчада тартиб бўйича саккизинчи уй. Яна учта ҳовлидан кейин, кўча пастлаб сойга бориб тақалади. Соининг у тарафи қир-адир. Экинзорлар қоплайдиган далалар, боғлар. Бугдой, нўхат экиладиган лалми ер.

Буларнинг рўпараларида кесишган кўча тоққа қараб кўтарилиб боради. Шу йўл билан ота бола тоғдаги яйловларга чиқишади. Фермалари ҳам ўша жойда.

Этакларида бир одам бўйи пастликда эни уч-тўрт кулоч келадиган кичик сой оқади.

Ҳовлига дарвозадан кираверишда чап ва ўнг тарафга катор уч уй ва олди айвон кўринишида қурилиш қилинган. Айвоннинг ярми очик, ярми ром билан ўралган. Дарвозахона устидаги болохонага чиқиш учун йўлакка зина ўрнатилган. Аммо болохона қишда совуқ, бўлгани учун бўш ётади. Ёзда эса Элдордан ортмайди. Ҳар йили (бу йил тўртинчи йили) у болохонага келиб тушади. Ўзи билан олиб келган мольберти, бўёқ, қоғозларини, мўйкаламларини бир пасда ёйиб ташлайди. Болохона энсизроқ бўлса ҳам, узунасига саккиз метрча келади. Кўча тарафга яқин, зинадан чиқаверишда ўнгга диван қўйилган, чап девор тараф бўйича расмларини, эскизларини осиб қўяди. Ҳовли ва кўча тарафда тўғрима-тўғри италян турига мос уч тавақали ромлар ўрнатилган. Уларни салгина қиялатса ғир-ғир шамол.

Элдор кўча тарафдаги ойналарни очиб, ҳузурланиб яқинидаги чўққиларга, тоғларга соатлаб қараб мазза қилади. Тоза, салқин ҳаво, еллар салқиними уни аллалаб қўйишади. Бошида бир икки кун тўйиб ухлашга тушади.

Бу уйда ҳамма уни яхши кўради. Шунгами ҳеч ким шу вақтгача унинг мушугини пишт демаган, каттадан тортиб кичиккача унга меҳрибон, айтганини дарҳол муҳайё қилишади. Элдор табиатан юмшоқ, бағри кенг йигит. Юзида доим кувноқлик зоҳир. Ҳусни ҳам бор. Кўзга дарров тушадиган баланд бўйлик, бурунлари учли, кош-кўзи қора, ўзи қора мағиздан келган.

Мирҳосиллар ҳовлиси знига ўттиз, бўйига юз қадамдан иборат ўттиз сотихча келади. Ундан кейин, пастроқда сойгача яна етти-саккиз қадам жой ҳам ўраб қўйилган, уларда сой тошганда оқиб келган тошлар уйилиб ётибди. Шунчалик кўпки, ҳовлидаги бор қурилишлар пойдевори шу тошлардан терилган ва баландлиги бир кулоч баробарида. Йўлақларга

## *Қамишзордан мўралаган ёр*

ётқизилган силлиқ тошлар ҳам узоқдан келтирилмаган. Сой четидаги қирғоқдан йиғилган.

Қишлоқдаги бор оилалар сой бўйидаги сел оқизиб келганда тўпланиб қолган тошлардан қурилишда фойдаланганлари учун барча уйлар пойдевори бир хил кўринади.

Қишлоқ табиати салқин, қиши бир оз қахратонлигидан ҳовлида хурмо, анжир, анор каби мевалардан, бўлак барча мевалар мавжуд. Олма, ўрик, узум ва нокнинг бир неча хил тури, гилос, олча, олхўри ва шафтолилар ҳам қатордан хато экилмаган.

Қатор полиз расталарида турли кўкатлар, редиска, булғори, барра пиёзлар ўсиб ётибди. Ҳатто, сув бўйида райхон, жамбил ҳам бор.

Куйироқда кенг ариқларнинг икки тарафига помидор, янада кенгроқ ариқ пушталарида эса ястаниб бодринглар чўзилган. Кўчадан ўтадиган кичик ариқдан барча суғориш учун фойдаланади. Шунгами уйларига бир ҳовуч сув ўтадиган даражада янада кичик ариқчалар очиб, сув тортишади. Бу сув ниҳоятда зилол-ки, тўғридан тўғри чанқоқни қондириб қўйиши мумкин, рўзғорга ҳам ишлатилади.

Ҳовлидан ўтган ариқ пастга йўналтирилган, ортгани сойга қўшилаб кетади, заррачаси бекор кетмайди.

Бу қишлоқни аҳолиси жуда меҳнатқаш, миришкор ҳисобланади: деҳқончилик, боғдорчилик, чорвадорлик билан қишин-ёзин шуғулланади. Ҳар бир ҳовлида қўй-эчки, мол, от ҳамда паррандалар бўлиши табиий ҳол. Шунгами ўзига тўқ яшайдиган оилалар сероб. Мирҳосиллар шуларнинг ҳам олди ҳисобланади.

Элдорнинг бир одати ортиқча озиқ-овқат маҳсулот кўтариб келмайди: эски-шаҳар бозоридан патир нонидан ўнта, иккита-учта қазӣ, сир ва ҳалол қолбасаларидан олволади. Совға тариқасида ноутбукми, қўл телефони биланми марҳамат қилади.

Ноутбукни Мирҳосил ўзи миннатдор ишлатиб юрибди. Бултур Элдор тақдим этган телефон эса Жамилага, узоқ қариндошларининг қизига насиб қилди.

\* \* \*

Жамила ва Мирҳосилнинг бувилари опа-сингил. Жамила тоғнинг этагидаги кичик қишлоққа тушган. Бу қишлоқ катта йўлдан бир оз узоқ, сал фэйзсиз тошлоқ ерга жойлашган. Шу сабабми «Тошлик» — деб аталади. Бу ерда, ҳатто мевалар яккам-дуккам ўсади: тоғ олмаси, олчаси, бодомни айтмаса бошқа меваларни ер сиғдирмайди. Тоғ қишлоқнинг аксари аҳолиси чорвадор, асаларичилик билан шуғулланадиган хўжаликлардан иборат. Бошқалари эса туман марказига ёки шаҳарга бориб ишлашади. Йиллаб келмайдиган ёки умуман кўчиб кетганлари ҳам анча-мунча.

Боғ қишлоқними, ёнидаги бошқа қишлоқ аҳлининг ким йилкисини, ким қорамоли, ким қўй-қўзисини, яна кимдир эчки улоғини боқиб беради. Матқовул акаларга эчки улоғ тушган. Тоғ тошнинг энг тепаларига эчки подасини ҳайдагани-ҳайдаган. Авваллари Матқовул аканинг ёнига катта ўғли Мухриддин кирган эди.

Отасининг райидан чиқмайдиган, камгап, меҳнаткаш бола эди. Отаси кўпинча қишлоқда гап, гаптак баҳона қолиб кетса, бир ўзи подадан хабардор, бош-қош, нолимай ўтлатиб юраверарди. Зерикишни билмас, хаёлкаш, бир эрмаги бува-сидан ўргангани най чалишни қойиллатарди. “Чўли ирок”-ми, “Ёввойи тановар”ними роса ўхшатарди.

Гоҳида подани боғ қишлоққа яқин ерда ўтлатса, бирор катта тош устига жойлашиб, найни чалишга берилиб кетарди. Найнинг оҳиста навоси боғ қишлоқ узра ёйилиб, одамлар “Ана, Меҳриддин чалаяпти”, деб пода тарафга қараб қолишарди. Кўпчиликка бу куйлар маъқул келиб, сўнгра анчагача гапириб юришарди.

Холисон опа мусика шайдоси. Бор юмушни қўйиб, кулоғи динг эшитади. Авваллари бунга эътибор бермайдиган Жамила ҳам кейин онасига ҳамроҳ бўлиб эшитаркан, онасининг мақтовларими? “Ҳа, баракалла, Меҳриддин”, деган пичирлашларими ўз ипини қилди. Қизда Меҳриддинга нисбатан қизиқиш ниш урди. Ўшанда, ҳали Элдор акасини кўрмаган, танимас ёши ё ўн уч ёки ўн тўртда эди.

## Ҷамишзордан мўралаган ёр

Ойиси негадир “Куёвим шунақа мусиқачи бўлса қанийди, куй, мусиқасини эшитиб, дилим яйрарди, ён кўшниларининг ҳам баҳри-дили очиларди. Доим тасанно эшитиб юрардим”, деган гапни кўп қайтарар, мазмунан, Сайфулла аканинг санъатдан анча узоқлиги ойиси ўйлатиб келарди.

Бирок, Меҳриддин тўсатдан тоғдан қулаб ҳалок бўлди-ю, кизнинг ғойибона ҳаваси сўнди.

Биров Меҳриддинни ўзи хаёлпарастлиги учун хаёл билан тоғдан ағдарилган деса, биров пода сиқиб қўйганда, серка туртқан бўлса керак дейди. Айбдор топилмади.

Шундан сўнг подачиликни ёлғиз Матқовул ака қила бошлади. Кичик ўғил Мажид ялқовроқ чиққанди. Отасига бу ишда қарашини ўйламас, оёғим тоғда юришга тортмаяпти деб нуқул баҳона қилгани-қилган. Матқовул ака ёнимга олай деб бир икки қистади ҳам. Мажид ланжлик қилиб кўнмасди. Онаси ўғлининг ёни бўлиб, қўйинг, акасини кунни келмасин, бунисини энди ўз ҳолига қўйинг деб уни жонига аро кирарди.

Меҳриддиндан кейин бир йилга бормай, Матқовул ака подачиликни ташлаб, асаларичилик билан шуғуллана бошлади.

Шаҳарлик, етмишдан ошган Зийнат абзи унга асалари қутиларини арзон-гаровга ўтказиб, хорижга фарзандларининг ёнига кўчиб кетди. Ҳозир у Уфа яқинида бўлса керак.

Матқовул ака ўшандан бери, мўким бир ҳунар деб, асаларичиликни тугди. Охириги пайтлар Меҳриддин подани ҳайдаб кетганда, Зийнат абзи ёнида қолишни одат қилганди. Ёрдам бериб юриб иш ўрганди, банка-банка асалларни уйига, турмушга чиққан кизларига бериб юборарди. Аслида унинг ёрдами эмас, кўпроқ Зийнат абзий билан ора-чора гурунги қилиб, арақми, виноми ичиб ўтиришлари уларни яқинлаштирганди.

Отаси: шу оилага келин бўласан деб кистаганида, бу оиланинг катта ўғлининг ҳурмати ҳалигача қишлоқда зўр эди. Укаси Мажидни ҳам Меҳриддинга киёслаб, тезда рози бўлганига, кейинчалик Жамила ҳам ўзига ўзи хайрон қолганди.



\* \* \*

Жамиланинг тўйи бўлганига энди икки ойдан сал ошди.

Мажид бу қишлоқдаги аксари дангаса одамлар қаторида танбал ўсган, ўқишга-ку умуман уқуви йўқ эрининг бу томонларини Жамила кейин билди.

Шаҳарда иш кидириб мардикорчилик қилиб кўрди, ёкмади. Жисмоний меҳнат, қимир этишдан безор, бировларнинг уйида кўрикчиликка ёлланди-ю эшполмади. Унинг уйқучилиги панд берди. У шу уйқучи, беғамлигига жоҳил, жаҳди тез, озгин, қотма йигит эди. Маҳмадона, кўп гапиришдан зерикмайди.

Ниҳоят, Тошкентнинг Жомий тарафидаги каттагина фирманинг омборига дарвозабонга ёрдамчи қоровулликка синов муддати билан ишга тайинланди.

Бир икки ой куруқ ойликка ишлаб кўрди. Унинг хаёлида доим тезроқ бойиб кетиш, яхшигина қизга уйланиб олиш орзусида ёнарди. Чунки ёши йигирма иккига кирди.

«Айни, ўйнаб куладиган пайтим, тезроқ фароғат ва айш онларига етсам, юзимдаги хуснбузарлардан фориғ бўлсам, қишлоқ кўчаларида олифта кўринсам, пул топиб отасининг ташвишини осон қилибди», деган мақтов, олқишми олишни ўйлагани-ўйлаган.

Тез орада имконият ҳам туғилди.

Омбор мудури қизини узатадиган бўлиб, олтита-еттида хизматчидан фақат кичик омборчи ва Мажид омборда қолишди, қолганлар тўйга эртарок жўнаб кетишди.

Тушдан кейин иш тугашига бир соат қолганда, доимий хом ашё олиб кетадиган буюртмачи кадам ранжида қилиб, кичик омборчини шоширди: «Ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, иккинчи сменага материал етмаяпти».

Омборчи қоғозларни ёзув-чизувини ичкариги хонадаги компьютерда тўлдириб чиққунча, буюртмачи керакли қоробкадаги ашёларни ўзи юклади. Юк қоғозларига иккаласи қўл қўйгач, омборчи унга ниманидир шивирлади ва омборини қулфлаб, жўнаб қолди.

Буюртмачи пинагини бузмай машинасини дарвозага ҳайдади. Юкларни текшириш Мажидни вазифасига кирмайди. Буни ҳамма, ҳаттоки мана бу буюртмачи ҳам билади. Ҳозир у индамай дарвозани очиб берса, олам гулистон. Аммо, кечагида омбор мудирани унинг чакириб, пинҳон топшириқ бериб: «Охирги пайтлар омбордаги хом ашёлар камайиб қолаётганди. Унинг кўзини шамғалат қилиб, ёрдамчиларими ўғирлаётганини, дарвозабон Содик полвон уларга шерикми, ё йўқми билмаётгандиман», деб огоҳ бўлишни сўради.

Мажид шуларни эслаб, буюртмачига мурожаат қилди:

— Юкларни бир кўрай.

Буюртмачи шошиб қолди:

— Сенинг нима ишинг бор?

— Кўрсатмасангиз, чиқармайман.

— Нима?

У муштани тугиб, Мажидни бурнига тақади.

— Ўзингизга ҳавола. Менда топшириқ бор. Ё Муҳиддин Норматовичга телефон қилайми?

— Бўлди. Битта ортиқча коробка бор. Шунга шунчаликми? Омборчи билан кейин ҳужжатлаштиришга келишдик.

— Жуда соз. Энди бунисининг Муҳиддин Норматовичга айтишга мажбурман.

Омборнинг бор эшиклари сурғичланган, ҳамма кетиб, кичик асфальт ҳовлида Мажид буюртмачи билан тортишиб турарди.

Буюртмачи у билан келишишга қарор қилди. Йўқса, гап чикса, қачондан бери кичик омборчи ва Содик ака билан учовлон гум қилаётган ўғри моллари ошкор бўлиб қолади. Албатта, уларни ҳайдалаши, мол-товар ҳақи ундирилиши ўз йўлига, хом ашёни унга сотмай қўйса нима қилади ёки унга нархини оширсачи?

— Келишайлик, энди ҳужжатсиз мол олмаганим бўлсин, охирги гал.

— Охирги галмиш!

— Сени рози қиламан. Илтимос, индама. Жавобини барибир кичик омборчи беради, сен эмас-ку?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/885> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/885> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/885>